

ТОШКЕНТ «ОҚШОМ»

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 1 (9.804)

2003 ЙИЛ 2 ЯНВАРЬ



Ўзбекистон халқига Янги йил табриги



Азиз ватандошларим, юртдошларим!

Барчамиз мана шу лаҳзаларда оила, ёру биродарларимиз даврасида жамулжам бўлиб, байрамона дастурхонлар атрофида тўланиб, ўтиб бораётган эски йил билан хайрлашиб, кириб келаётган янги йилни кутиб олиш учун тайёргарлик тараддудини кўрмоқдамиз.

Мана шу файзли ва унутилмас оқшомда мен ҳам кўпчилик қаторида сиз кадрдонларимни бағримга босиб, Янги йил байрамингиз билан қизгин муборакбод этаман ва шу кутлуг айём арафасида барчангизга энг эзгу, самими тилакларимни, чексиз меҳр-хурматимни билдиришдан бахтиёрман.

Ҳақиқатан ҳам, ҳаяжонли, шуқулли ушбу дақиқаларда ҳар биримиз яқиниқа етаётган йилда бошимиздан кечирган, бир-бирига ўхшамайдиган кунларни беихтиёр ҳайлимиздан, кўз ўнгимиздан яна бир бор ўтказамиз. Бамисоли дарёдек ўтиб бораётган вақтнинг ҳаётимизда қолдирган изи ва таъсири, умрнинг ганиматлиги ҳақида ўйлайман.

Шу дамларда, аввало, барчамизни шу кунларга етказиб, мушкулимизни осон, йўлимизни раван қилиб, ўз па-

ноҳида сақлаб, асраб келаётгани учун Парвардигоримизга шукроналар айтишимиз ўринлидир.

Биз бугун бир йил давомида босиб ўтган, ҳаёт кувончлари ва ташвишлари, орзу ва умидларимиздан иборат даврни кузатар эканмиз, уни ижобий баҳолашимиз, халқимиз таъбири билан айтганда, берганига рози бўлишимиз табиий, деб ўйлайман.

Кўпмиллатли юртимизда йил давомида тинчлик ва осойишталикни, тотувлик ва ҳамжихатликни сақлаб, ўз уйимизни ҳозирги кунда бутун дунёда энг катта ҳавф бўлмиш халқаро терроризмдай муҳий хатардан асраб, остонамизда балоказар бўлиб турган ёвуз кучлардан халос бўлганимиз — барчамизга, аввало, ламбор қарияларимиз, аёлларимиз ва болаларимизга эркин нафас олиш ва келажакка ишонч билан қараш учун замин бўлди, деб таъкидлаш зарур.

Халқимизга мансуб бўлган меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, саховат ва мурувват каби фазилатларнинг бугун жамиятимизда тобора кенгайиб, кучайиб бораётгани ҳаётимизнинг маъно-маънунини янада бойитишга хизмат қилмоқда.

Бу борада юртимизда 2002 йилни Қарияларни кадрлаш йили, деб эълон қилганимиз, мўътабар кексаларимизни эъзозлаш, ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш, ташвиш-юмушларини имкон қадар енгиллатиш, жамиятимизда уларнинг ўрни ва таъсирини юксалтириш мақсадида амалга оширган ишларимиз маънавий муҳитнинг барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилгани ҳамда бу савобли савий-ҳаракат ва интилишларимизни фаолиятимизнинг узвий бир қисмига айлантириш зарурлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли, деб биланман.

Кейинги йилларда ҳаётимизни юксалтириш, одамларнинг турмуш даражасини яхшилаш йўлида, очик айтиш кераки, бугун барчамиз бошимиздан кечираётган рўзғор тебратишдаги иқтисодий қийинчилик ва етишмовчиликларни бартараф этиш учун олиб бораётган ислохотларнинг самарасини ошириш борасида кўпгина ишлар қилинмоқда.

Ушбу йўналишда иқтисодий, ҳуқуқий

ва маънавий соҳаларни эркинлаштириш ҳисобидан кўзлаган марраларимизга етиш, ҳаётимизни фаровонликда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш, аввало, истеъмол товарлари, рақобатбардош махсулотларни ишлаб чиқариш, ички бозорни ўзимизнинг сифатли молларимиз билан тўлдирish, шу орқали аҳолини, биринчи галда, ёшларимизни иш билан таъмишлаш, бунинг учун чет эл сармояларини кенг жалб этиш, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизнинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаши — буларнинг барчаси келгуси йилларда ҳам бизнинг асосий мақсад-мақсадларимиз бўлиб қолиши шубҳасиз.

Мухтасар қилиб айтганда, яқиниқа етаётган йилда Ватанимизнинг дунёда обрў-эътибори, нуфузини янада ошириш борасида, ички ва ташқи сиёсатда, барча соҳаларда қўлга киритган марраларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, гурурлансак арзийди, албатта.

2003 йилни мамлакатимизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилганимиз замирида ҳам мана шундай ноёб, фақат бизнинг халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизими, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда беқийс аҳамиятга эга бўлган, фуқаролик жамиятининг асоси бўлмиш маҳалла мисолида, миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда истиқомат этаётган барча инсонларнинг Ватани — Ўзбекистон деб аталмиш ягона уйимизни янада обод ва фаровон қилиш мақсади мужассам эканини айтишимиз зарур.

Мана шундай қараш ва интилишлар одамларимиз, айниқса унинг-ўсиб келаётган ёшларимизнинг онги ва тафаккурига чуқур кириб борса, уларнинг фаллигини оширишга, ҳаётда бефарқ бўлиб яшамасликка ундаса, улар мана шу тупроқ, мана шу Ватан меники, унинг тақдири ва келажаги менинг ва оиламнинг тақдири ва келажаги билан чамбарчас боғланган деб яшайдиган бўлса, барча эзгу тилакларимиз ва орзу-умидларимиз рўёбга чиқиси муқаррар, иншоолло.

Қадрли ва азиз ватандошларим! Барчангизни кириб келаётган янги йил байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриқланман.

Янги йил ҳар бир юртдошимиз, ҳар бир оилага бахту саодат, тинчлик ва файзу барака олиб келсин.

Мана шу табаруқ айёмда қилаётган барча яхши ниётларимиз ижобат бўлсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз ҳамisha омон бўлсин!

Янги йил ҳаммамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

XXI сағоси

Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- Янги 2003 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари ўзларининг эзгу ниятлари ижор этилган самими кутловларини йўлладилар.
- Республикаимизнинг барча вилоятларида меҳрибонлик ўйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун «Президент арчаси» шодияналари бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлари таркибида ўзгартириш киритиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Давлат мулкни бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси лавозими тугатилди ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси лавозини киритилди.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра Махмуджон Аскарлов Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг раиси этиб тайинланди.
- Фау ва технологиялар марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари танлови голибларига дипломлар топшириш маросими бўлиб ўтди.
- «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида Янги йил совғаси сифатида «Нексия» автомашинасининг тақомиллаштирилган «Нексия—Минор» турини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янги машинада энг юқори тезлик соати 175 километрга етказилган бўлиб, унга 85 от кучига эга бўлган двигател ўрнатилган.
- Тошкент йўловчи вагонларини таъмирлаш корхонасида Янги йил арафасида илк бор йўловчи ташиш вагонларини йиғиш йўлга қўйилди.
- Бугун Республикаимиз пойтахтида ҳаво ўзгариб турди. Шарқдан сонясига 5-10 метр тезликда шамол эсди. Кундузи ҳарорат 7-9 даража илиқ бўлди.



Жаҳонда

- БМТ 2003 йилни — Чучук сув йили деб эълон қилди.
- «Ассошиэйтед Пресс» агентлигининг хабарига кўра Ироққа нисбатан бошланган эҳтимоли бўлган урушда расмий Ар-Риёд розилигига кўра АҚШ Саудия Арабистонининг ҳаво ҳудудлари ва авиабазаларидан фойдаланиши мумкин.
- Сербия Президенти Милан Милутинович яқин кунларда истеъфога чиқади.
- Индонезиянинг Бали оролида Янги йил тундида бу ерда яқинда амалга оширилган террорчилик ҳаракати қурбонлари хотирасига бағишланган эстрада юлдузларининг концерти бўлиб ўтди.

«Оқшом» — ҳафтасига беш марта

• Азиз муштарийлар!
Тошкент азалдан тинчлик ва дустлик шаҳри бўлиб келган. Истиқлол шарофати ила бугунги кунда шаҳримиз амалий жиҳатдан фаллиги билан жаҳоннинг кўпгина пойтахтлари орасида ўзининг муайян ўрнига эга бўлди. Замонавий

маъмурий бинолар, яшилликка бурканган хиёбон ва боғлар, ажойиб музейлар, қудай транспорт йўллари, ўзининг меъморий ечими жиҳатидан бетакрор кўринишга эга бўлган турар жой даҳаларини икки ярим миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган шаҳар қиёфасининг

ўзига хос хусусиятлари сифатида таъкидлашимиз мумкин. Юртбошимизнинг Тошкентни мустақил давлатнинг зарвоаси сифатида таърифлаганлари ҳам бежиз эмас.

Мана 36 йилдирки «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Тошкент» газеталари шаҳарини қандай «яшатаётгани», ҳаётининг барча соҳаларида янгилашни ва ўзгаришлар қай тариқа кечаётганини ёриш кела-

ди. Йиллар ўтади, шаҳар ўзгаришларга, янада янги вазифалар пайдо бўлади ва «Оқшом» журналистлари ёқов-ҳодисаларни ўз вақтида ёришти, газетковлар учун қизиқарли, долзарб ахборотларни тайёрлаш, энг янги маълумотларни узатишга ҳаракат қиладилар. Айнан ана шундай савий-ҳаракатлар «Оқшом» газеталарини ҳафтасига беш марта чиқиб ташаббусининг

«туғилишига» асос бўлди. Таҳририят жамоаси сифатида бу борада шаҳар ҳокимлиги яқиндан қўллаб-қувватлади.

Шундай қилиб, азиз муштарийлар, эндиликда биз сизлар билан ҳафтасига беш мартадан уянаман. Бинобарин, бизга ҳар оям кўмаклашувчи мактубларингиз ва тақлифларингизни кутамиз.

ТАҲРИРИЯТ ЖАМОАСИ

**Янгиликлар,
воқеалар**

Киш фаслининг энг аjoyиб байрами ҳисобланган Янги йил ўлкамизга олам-олам қувонч билан кириб келди. Янги йил шодлиги, байрам шукуҳи юртимизнинг ҳар бир гўшасида ўзгача тус олган. Шаҳримиз байрам тadbирлари, куй-қўшиқларга тўла масканга айланганки буни ҳар қадамда кузатишимиз мумкин.

**Янги йил
базми**

«Маънавият ва маърифат» маркази Ҳамза тумани бўлими ҳамда «ЭКОСАН» жамғармасининг туман бўлими ташаббуси билан «Бинокор» маҳалласида ўтказилган Янги йил базми ҳам юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Тумандаги фаол ёшлар иштирокида «Заковат» интеллектуал ўйинининг ўтказилиши базмага ўзгача шуқуқ бағишлади.

Ёшлар ижросидаги куй-қўшиқлар, байрам наволарининг заъки барчага кўтаринкилик бахшида этди.

— Кириб келган Янги йил ёшларимиз қалбидagi орзу-умидларга улкан қанот бўлади, — дейди «ЭКОСАН» жамғармасининг туман бўлими раҳбари Жамила Бегматова. — Тилагим юртимизда ўз билмига ишонувчи салохиятли ёшлар кўпаяверсин.

Орзуғул РУСТАМОВА

**Совғалар
улашилди**

«Бунёдкор» ёшлар телеклубида Янги йил байрами ўзгача руҳда ўтди.

Байрамга клубнинг фахрий аъзолари ҳисобланган севимли актриса Мадина Мухторова ҳамда кўшиқчи Даврон Эргашевларнинг ташрифи янада кўтаринкилик бахшида этди.

Ёшлар томонидан тайёрланган сахна кўринишлари, ижро этилган куй-қўшиқлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, телеклубни байрамга тайёрлашда иштирок этганларнинг ўз ишига қанчалик ёндашганлари ҳамда ёшларнинг санъаткорлик маҳоратларини синаш мақсадида 3 та йўналиш — «Энг оригинал кийим», «Энг яхши безатилган жой», «Энг қизик сахна кўриниши» бўйича танлов ўтказилди. Фотибларга байрам совғалари улашилди.

Акбар
Йўлдошев

**Қуръа
ташланди**

Ўлкамизда янги йил тантаналари нишонланаётган кезларда Ўзбекистон футбол федерациясида маълакат XII чемпионатида қуръа ташлаш маросими ўтказилди.

Унга қўра 16 жамoa иштирок этадиган олий лигада дастлабки тур беллашувлари 18 мартдан бошланади. Шу кунни майдонда «Насаф» — «Сурхон», «Бухоро» — «Цементчи», «Андижон» — «Дустлик», «Кўкон-1912» — «Пахтакор», «Нефтчи» — «Гулистон», «Навбаҳор» — «Машъал», «Трактор» — «Металлург», «Самарқанд-Динамо» — «Кизилкум» ўзаро куч синишилади.

(Ўз мухбиримиз)

• ДИЛ ИЗҲОРЛАРИ

Қадами қутлуғ келсин

Янги йилни дилда бир олам орзу-ниятлар билан қарши олдик. Байрам дастурхони атрофига йиғилган барча-барча доно қарияларимиз — пиру бадавлат онахон ва отахонларимизнинг «Йилмиз баракали бўлсин, қадами қутлуғ келсин!» деган дуоларига қўшилиб яхши тилақларни дилларига тугиб қўйди. Мана, 2003 йилнинг биринчи иш кунлари ҳам бошланиб кетди. Шу боис ҳам улар тахририятимизга кўнғироқ қилишиб ўз дил сўзларини баён этишаётгани нихоятда қувонарлиқдир.

◆ Абдугани ҚОСИМОВ, «Эътиқод» хусусий фирмаси раҳбари:

— Ҳар бир ишда яхши ният, улкан мақсад бўлгани кишига интилиши, куч-қувват бахш этиши, шубҳасиз. Халқимизга сифатли, рақобатга чидамли мебель маҳсулотлари етказиб бераётган мебелсозларимиз Янги йилни буюртмачилар талаби асосида иш юритиш билан боғлиқ юборишди. Маҳсулотларимиз турларини 10 тага кўпайтирдик. Цехларимизни кенгайтириб, юксак унумли хорижий линиялар билан жиҳозлашга муваффақ бўлдик. Шунингдек, ишчи-хизматчиларимиз сафи ҳам кенгайиб, 50 нафардан 80 нафарга етди. Жамoaмиз қошида шўъба корхонаси очилган муваффақ бўлди.

Янги йилнинг иш ҳафтасини эса кўтаринки руҳда бошладик. Маҳсулотларимиз дизайнига, рақобатбардошлигига алоҳида аҳамият қаратган ҳолда буюртмачилар талабини қондиришга интиламиз. Шунингдек, ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида Тошкент вилоятида яна бир шўъба корхонамизни очиб ниятдамыз.

◆ Мирқомил АбЗАМОВ, «Алоқа-мақсад» масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

— Ҳали фаолият кўрсатаётганимизга бир йил ҳам бўлгани йўқ. Шунинг учун ҳам Янги йилда кўпроқ меҳнат қилишимиз, ўзимизни ишда кўрсатишимиз лозимлигини англаган ҳолда иш бошладик. Фаолиятимиз доирасига бунёдкорлик ишларини бажариш, сув ҳисоблагичлари ўрнатиш кирди. Утган йилда Юнусобод туманидаги Фирдавсий маҳалласидаги 100 та хонадонга газ ҳисоблагичлар ўрнатиб бердик ва бир қатор

қурилишларда меҳнат қилдик. Жамoaмизда моҳир қурувчилар, пайвандчи ва алоқачилар меҳнат қилишди. Эзгу ниятимиз битта — эл-юрт фаровонлигига хизмат қилиш, касб маҳоратимизни бунёдкорлик йўлида сафарбар этиш.

◆ Йўлдош ПОЛВОНОВ, «Кобул-Ўзбек Со» кўшма корхонаси директори:

— Бизнинг корхонамиз юртимиздаги тинчлик, осойишталик, хорижий инвесторларга яратилган қулай шарт-шароитларнинг, муваффақиятнинг мевасидир, десак туболага бўлмайди. Шунинг учун ҳам жамoaмиз аҳли томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар тури кўпайиб, уларнинг 95 фоизи хорижга экспорт қилинмоқда.

Корхонамизда 4,5 мингдан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг аксарияти ёшлардир. Йигит-қизларимиз мустақил равишда Япония, Бельгия, Швейцария, Германия ҳамда Жанубий Кореяда келтирилган замонавий дастхонларни бошқаришмоқда. Утган йилда бир неча турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдик. Нозик, нафис кўйлақлик матолар учун мўлжалланган чўзиладиган ип-калав ҳамда янги турдаги энли оқ сурп матоларимиз шулар жумласидан бўлиб, улар харидорлигига билан ажралиб туради.

Янги йилни ҳам янги режалар билан бошладик. Уч сменда фаолият кўрсатаётган кўшма корхонамизда кунига 110 тоннадан ортик ип-калав, 80 мин метр бўз матоси тайёрланмоқда. Мақсадимиз корхона цехларига ўрнатишга юксак унумли дастхонларнинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаб, жаҳон андозалари даражасидаги сифатли маҳсулотларимизни дунё бозорига етказиб беришдир.

• ТАДБИРКОРГА ТОЛЕ ЁР

Қувончларимиз чексиз

Ҳар бир байрамнинг ўзига хос жиҳатлари, ўзгача таровати бўлади. Айниқса, Янги йилнинг кириб келиши дилинганга яхши эзгу-ниятлар, ойдin орзулар солади. Утган йилга яна бир нигоҳ ташлаётган келувган қутлуғ йил остонасига ўқтам қадам босасиз. Бугунги суҳбатдошимиз пойтахтимизда 2002 йилнинг «Энг яхши тadbиркор» деб топилган «Мирсаъва» хусусий фирмаси раҳбари Баҳодир МИРҲАБИБОВНИ Янги йил билан қутлаб бир неча саволлар билан мурожаат этдик.

— Баҳодир Қосимович, яқунланган йилмиз жамoaнги фаолиятида қандай из қолдирди ва сизга қандай ютуқларни ҳаёти этди? Кискаси, 2002 йилдан мамнунмисиз?

— Аввало, муваффақият дидеорида тadbиркорлик ва тadbиркорлар учун яратилган кенг имкониятлар, кўрсатилган ётган гамхўрликлардан мамнун бўлган ҳолда, йилнинг жамoaмизга муваффақиятлик келганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ҳар биримиз Янги йилни кутиб олар эканмиз, ортимизга назар ташлаб ўтган йилдаги ишларимизни сарҳисоб қиламиз. Кўзланган мақсадимизга қай даражада эришдик, нималарга улгуролмай қолдик?

Мен ишонч билан айта оламнки, жамoaмиз аҳли учун 2002 йил нихоятда самарали келди. Ишлаб чиқариш ҳажми 2 баравардан зиёдга кўпайди. Бунинг асосий сабаби маҳсулотларимиз турлари кўпайиб, сифати ошганлиги боис буюртмачиларимиз сафининг кенгайганидир. Ана шунинг натижасида янги технологиялар сотиб олинди, қўшимча ишчи ўринларини яратишга муваффақ бўлдик. Натижада янги технологиялар асосида ёш, малакали мутахассисларимиз томонидан мураккаб электрон автоматик санoaтда

ишлайдиган ускуналар, мониторларга қўйиладиган қўшимча телевизор ускуналар, компакт диск ускунаси, «Наво» стереофоник ускунаси, стадионларга мослаштирилган 10-20 киловаттли товуш кучайтиргич мосламалари ва бошқа янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Яна утган йилда қувонарлиси шу бўлдики, илк маротаба «Ташаббус-2002» танловининг пойтахт босқичида голибликни қўлга киритиб, шаҳарнинг «Энг яхши тadbиркори» номига сазовор бўлдик, мамлакатимиз тadbиркорларининг шундай кўрик-танловда эса муваффақиятли иштирок этиб, лауреатликни қўлга киритдик. Мамлакатимиз вилоятлари бўйлаб ўтказилган «MINITECH-2002» савдо кўргазмасида қатнашиш баҳтига муяссар бўлиб, анчагина буюртмачилар эътиборини жалб қилдик. Республикамиз тadbиркорликка кенг йўл очилганининг ёрқин кўриниши бўлган ушбу савдо кўргазмасида маҳсулотларимиз ўз баҳосини олганлиги, янги-янги ҳамкорлар орттириганимиз жамoaмизни бениҳоя қувонтириб, янада самарали меҳнат қилишга ундади. Албатта, ўтган йилда амалга оширилган ишларимиздан кўнглимизнинг тўқлиги Янги йилдаги куч-ғайратимизга му-

ни яратдик. Насиб этса, ана шу ишчиларимиз ҳам Янги йилдан яхши ният билан иш бошлашди. Ишлаб чиқараётган ускуналаримизнинг сифатини ошириш, янада такомиллаштириб рақобатбардошлигини таъминлаш, энг муҳими маҳаллий хом ашё ҳисобига харидор дидига мос маҳсулотлар тайёрлашни мақсад қилиб қўйганмиз.

Албатта, Янги йилдан яхши ютуқлар, кўнглимиздаги орзуларнинг ушалишини кутаямиз. Бунинг учун эса ўзимиз



ҳим заминдир.

— Янги 2003 йилда ниятларингиз қандай? Ундan нималарни кутаясизу жамoaнги аҳли қандай янгиликлар яратиш мақсадида?

— Менимча, қалбингизда жўшқин ният, уни амалга оширишга астойдил ҳаракат бўлсагина ишингизнинг унуми янада ортади. Йилдан йил яхши, дейишди. Жамoaмиз аҳли ҳам шундай эзгу ният билан Янги йил остонасига қадам қўйди. Буюртмаларимиз ортаётганини инобатга олиб 2003 йилда 60 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлашни, харидор талаби асосидаги рақобатбардош, хорижникидан асло қўшунмайдиган электроника ускуналари ишлаб чиқаришни режаларимизда кўнглимизни кенгайтириб 8 та қўшимча ишчи ўрни-

изланишимиз, тadbиркорларга яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланмоғи керак. Янги йилда нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам маҳсулотларимиз харидорғир бўлишига эришишни кўзлаганмиз. Уларни Афғонистон, Россия, Туркменистон давлатларига экспорт қилишни режаларимиз. Шунингдек, Ўзбекистон радио ишқибозлари учун «Радиодунё» журналини чиқаришни мўлжаллаб турибмиз. Ҳаётда, астойдил ҳаракат қилсак, интилсак, буларнинг барчасига эришамиз ва ўз меҳнатимиз билан мамлакатимиз иқтисодий ривожига ҳисса қўша оламиз. 2003 йилда эса барча тadbиркорларнинг ишлари бароридан келишини тилайман.

Шарифа ИЛЁСОВА
суҳбатлашди.

• НИШОНДОРЛАРИМИЗ

— Мукамбар опа, кино мухлислари сизни дубляж санъатининг ҳақиқий фидойиси деб билишади. Айтингчи, дубляжнинг бошқа санъат турларидан фарқи нимада?

— Дубляж — бу ҳар бир ижодкор учун катта санъат мактабида. Кўпчилик ушбу санъат туруни яхши тушунади. Бу касбга меҳр қўйиб, қизиқиб, берилиб меҳнат қилиш керак. Акс ҳолда образ ишонарсиз, енгил-елпи бўлиб қолади. Дубляж — бу фильмдаги образларга овоз бериш, ўша образ кифёсига кириб, унинг бутун феъл-атворини, қалб кечинмаларини, дарду қувончини чуқур ҳис қилган ҳолда ҳаракатлари, оғиздаги талаффузига мослаб чиройли овоз бериш деганидир. Бу санъат тури актёрнинг тилини, маҳоратини чарҳлади. «Ўзбекфильм» студиясида чет мамлакатлар фильмларини ўзбек тилига ўтириб, ҳар бир образга мос актёр танланарди ва актёр ўша образга овоз беради. Дубляжда актёр образни аввал яхшилаб ўрганиб, унинг кимлиги, мақсадини тушуниб, йилгаса йилгаб, кулса кулиб шу образга ишонарли овоз бериши лозим. Дубляж бошқа санъат турларидан биринчунан мураккаб саналади. Қоронғида игна билан қудук қазидиҳек гап. Мен дубляжни одамларни жаҳон халқларининг маънавияти, маданияти ва жўшқин ҳаёти, турмуш даражаси билан ақиндан таништирадиган санъат деб биламан.

— Маълумки, сиз дубляждан ташқари бир қанча фильмларда аjoyиб роллар ижро этгансиз, режиссёрлик ҳам қилгансиз...

— Ҳа, тўғри айтдингиз. Инсон ҳаётда орзу-мақсадларига эришиш учун юксак дондорлардан оғиб, мукаммаб кимликка интилиб яшаса, ҳақиқий маънода яхши ниятларига етиб, бахт-соддатга эриша олар экан. Мен ҳам ана шундай оғир синовлар, юксак дондорлардан оғиб орзу-мақсадимга эришдим. Ёшлгимдани санъатга жуда қизиқардим. 14 ёшда мактабимизда болаларни дубляжга танлаб олишди. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Биринчи бор «Пахтаёи» фильмида суратга тушганимиз.

Шундан кейин дубляжга қизиқиб қолдим. Фильмларда кичик эпизодларда ҳам қатнаша бошладим. «Истикбол сари», «Сурайё», «Ой бориб, омон қайт» сингари фильмларда турли роллар ижро этдим. Мактабни тугатиб, ҳозирги санъат институтига ўқишга кириб ўқидим. Хуллас 30 дан ортиқ бадиий фильмларда суратга тушдим. Режиссёр Э.Шумухамедов суратга олган фильмларда эпизодларда қатнашдим. Таниқли режиссёрлар Ш.Аббосов, Ю.Розиковлар вратган фильмларда роллар ижро этдим. 1964 йилдан 1980 йилгача «Ўзбекфильм» қоши-

ри эшиттиришларни олиб боришда иштирок этдим. Телевидениеда 10 йилдан ортиқ вақт мубайнида болажонлар учун «Оқшом эртақлари»ни олиб бордим. Ўз санъатин билан халқимизнинг хурматини қозониб, қалбдан жой олган эканман, шунинг ўзи мен учун юксак мукофот, албатта.

— Мукамбар опа, айтингчи, яқиндагина яқунланган йиллимиз шахсан сизнинг ҳаётингизда қандай из қолдирди?

— Йилларимиз менимча бири-биридан сермазмон, катта ўзгаришларга, ютуқларга бой бўлмоқда. Яқунга етган 2002 йилнинг Қарияларни қадрлаш йили бўлгани, кексаларимизга кўрсатилган бекиёс гамхўрлик, хурмат-эътибордан халқимизнинг боши осмонга етди.

Бу йил шахсан менин ҳаётимда айниқса энг унутилмас, қувончли, бахтли йил бўлди. «Ўзбекистон халқ артисти» унвонига сазовор бўлганимни эшитганимда, кўзларимга севиноч ёшлар келди. Бу мукофотни нафақат менга, балки дубляж соҳасида ижод қилган марҳум устозларимизга ҳам берилган юксак баҳо, унвон деб биламан. Шундай экан, бу машаққатли, шарафли санъат тури йўқолиб кетмаса, уни сақлаб, ёш санъат шайдоларига ҳам ўргатиш зарур деб ўйлайман. Бу мукофотга яраша меҳнат қилиб, яна қўллаб халқимизга манзур бўлганим фильм яратиб, санъатимиз янада раванқ топишини орзу қиламан. Утган йилги хурсандликни бахтиёрликнинг яна бир сабаби, яқинда ўлим Жаҳониджони уйлантириб, келинлик бўлдим. Бу ҳам мен учун катта қувонч, катта бахт.

— Сўхбатимиз якунида оқшомхонлар Обод маҳалла йилида тилакларингиз...

— «Тошкент оқишлари» газетаси кўп йиллардан буён менга қадрдон. Газета саҳифаларида ёритиб келинаётган одоб-ахлоқ, оила, санъатга оид мавзулардаги ранг-баранг қизқарли мақолаларни мунтазам ўқиб бораман. Янги йилдан газетанинг макъеи, обрўси янада ошсан, кўпдан кўп мухлислариға эга бўлсин. Газетанинг жонқур ходимларига соғлиқ-саломатлик, бахт ва омад ёр бўлсин. Қаламлари доимо ўткир бўлишини тилайман.

— Мазмунли сўхбатингиз учун ташаккур. Дилором ИКРОМОВА сўхбатлашди.

Дубляж санъати фидойиси



Бугунги кунда ўзбек кино санъатининг кўплаб ҳақиқий фидойилари, захматкашлари, буюк сиймолари номини хурмат ва фахр билан тилга оламиз. Айниқса шундай бир ўзига хос санъат тури ҳам борки, бу дубляждир. Киномухлислар ушбу санъат соҳасида кўп йиллардан буён ижод қилиб келаётган севилими санъаткоримиз Мукамбар Раҳимова номини жуда яхши билишади. Унинг ўзига хос ширали, майин ва жозибали овозини юзлаб ўзбек фильмларида, шунингдек, «Ўзбекфильм» киностудияси томонидан дубляж қилинган чет мамлакатлар кинотасмаларида кўп бор эшитганимиз. Мустикаллигимизнинг 11 йиллик байрами арафасида захматкаш юртдошларимиз қатори Мукамбар Раҳимованинг ҳам кўп йиллик самарали меҳнатлари муносиб баҳолалиб, Президентимиз Фармонлари билан «Ўзбекистон халқ артисти» унвонига сазовор бўлди. Янги йилнинг илк кунларида биз Мукамбар опа билан учрашиб, дилдан сўхбатлашдик.

даги актёрлар студиясида ишладим. Шундан кейин режиссёр сифатида иш бошлаб 200 дан ортиқ фильмлар яратдим. Кейинчалик адабий муҳаррир, маслаҳатчи бўлиб ишладим. Режиссура ва актёрликда менга режиссёр И.Екубов, С.Имонкулова, С.Саидов, Э.Қаримовлар жуда кўп ёрдам бериб устозлик қилганларим.

Дубляжда эса таниқли санъаткорларимиз — халқ артистлари Ҳ.Умаров, Р.Хамроев, В.Қодиров, Ш.Бурхановлардан кўп нарсалар ўргандим. Мен нафақат кинода, балки радиода 1000 дан ортиқ спектаклларда ҳам овоз бердим. «Дугоналар», «Ватандош», «Хайрли тун» синга-

маскани эканлиги, гўзаллиги, беэак санъатининг, архитектура маданиятининг зеболиги билан ажралиб туради. Яқунланган йилда ушбу метрополитенизмнинг пўлат қокил-излари Юнусовод томон қулоч ёзди, Ҳабиб Абдуллаев, Юнус Ражабий, Абдулла Қодирйи сингари алло-маларнинг мўътабар номи билан безанди; шунингдек хайрли ишлар янги 2003 йилда ҳам давом этиши, янгидан-янги метро бекатлари бунёд бўлиши пойтахтликларни қувонтиради; олдидида янада қувончли воқеалар бизни кутмоқда, метрополитениннг янги бекатлари халқимизнинг пўлат санъаткорлари, хуррият ва истиқлол қўйилари бўлиши ҚориЕкубий, Хуршид, Маннон Ҳайрурларнинг унутилмас, муборак номи билан безалади деган умидларимиз ҳам бор.

Пойтахтимиз жамолини янада беэаган осмонлар бинолар, янгидан-янги майдон маҳалла гузарлари ва айниқса Ўзбек Миллий академик драма театрининг хусоночар янги биноси, Давлат консерваториясининг беназир, зеб таратар қошо-ниси кимнинг завку шавқини келтирмайди дейсиз. Ҳа, ушбу мухташам, пурвиқор гўзаллик мавлуди — масканларида Аборр Ҳадиётов, Хуршиду Чўпонлар, Маннон Ҳайгур, Мария Кузнецова, Олим Ҳўжаев, Сора Эшонтураева, Шуқур Бурхон, Тамарахоним, Тўхтастин Жалилову Қориёкубий, Ашрафийлар ижод қилиб, асарлар яратишини, гўзаллик бунёд этишини бир умр орзу қилган эдилар. Истиклолий жараён, Юртбошимизнинг гамхўрлиги туғайли ушбу машқур санъаткорларимизнинг, буюк маданият намояндаларимизнинг орзу-армонлари рўёбга чиқди ва эндиликда уларнинг издошу шогирдлари му-стақилликнинг, шунингдек салохиятли инъомларидан бахра ололмақдалар.

Кўни кеча ўз поёнига етган 2002 йил эээозли нуруойиларимизга бағишланиб, Қарияларни қадрлаш йили сифатида қулоч ёзиб, юртимизда анча-мунча хайр-ли талбирлар амалга оширилди. Қириб келган янги 2003 йил эса Президентимиз ташаббуси ва тақлифига кўра «Обод маҳалла» йили дея аталди. Амминизки, ушбу ташаббус диёримизда қадимдан силсила тортиб келаётган анъанавий «маҳалла» тушунчасини янада мазмунан ҳам шаклан бойитиб, чуқурлаштиради, маҳал-

лани истиқлолий талаб ва мақсадлар асно-сида ижтимоий ва маданият-маънавий жиҳатдан аҳоли учун янада пурмазмун, фуқароларнинг қундалик эhtiёжини бундан ҳам дурустқор қондирувчи масканга, нафосат, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, тарбият ошиёнига айланитиришда барақали хизмат қилади; ахир бу ерда одамийликнинг, адалотнинг зуваласи дастлаб шиб-баланади; згзулик, ватанпарварлик, инсонпарварликнинг муээзам бешиги тебратилади; халқ орасидан етишиб чиққан иқтидорларнинг тинчлик-осойишталик, хурлик, эркин-эмиллик қўшиши ҳам дастлаб худди мана шу маҳалладан чумак уриб, чор-атрофга таралади.

Маданиятимиз равнаки, санъатимиз ривожы, ижодкор аҳли ҳақиқиди гамхўрлик тўрисида сўз бортганда, албатта, Му-стақиллигимизнинг 11 йиллигини байрам этиш арафасида Президентимиз Ислол Қаримов Фармони билан Ватанимиз му-стақиллигини мустаҳкамлаш, мамлақати-мизнинг халқораз иззат-обрўсини оши-риш, халқимизнинг маънавий-маданият бойлигини янада ривожлантириш, илм-фан, адабиёт ва санъатни раванқ топти-риш, фидокорона меҳнати ва эришган му-ваффақиятлари боис, бир қатор ижодкор-лар ҳам юксак фахрий унвонлару орден ва медалларга сазовор бўлдилар. Мана шундайлар қаторида камининг бор-лигидан беҳад хурсандимиз. Кўп йиллик са-марали меҳнатимиз, ижодий-илмий из-лашилларимиз, жамоатич намоянда сифатида амалга ошириб келган фаолияти-миз муस्ताқил республикамизнинг юксак фахрий унвони билан тақдирланиши мени ҳам беҳад қувонтиради. Бундай қад-рли мукофотга етиб келишининг ўзига хос «сомон йўли» бор, албатта.

Ҳайлимики, хайрли ишлар янги 2003 йилда ҳам самарали давом эттирилади ва бизларга берилган фахрий унвонлар, юксак мукофотлар янада жиддийроқ ижо-дий изланишларга, истиқлолий жараён-да бундан ҳам самаралироқ фаолият кўрсатишга ундайди, илхомлантиради. Қириб келган янги 2003 йил юртимизга тинчлик, турмушимизга фаровонлик, хал-қимизга янги зафарлар келтираверсин.

Баҳриддин НАСРИДИНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, санъатшунос.

• САРҲИСОБ

Ватан яна улғайди

Мана, 2002 йил ҳам поёнига етди. Янги 2003 йил ҳам муборак қадамини ташлаб, кириб келди... Уни заминдошларимиз саҳий ниятлару аjoyиб орзу-умидлар билан кутиб олмақдалар. Ер қуррасидаги китъалару қатор мамлакатларда содир бўлган ташвишли дамлар, аянчли воқеаларни хотира тасмасида агар жонлантирмасак, умуман олганда, дунёда жиддий тарихий ўзгаришлар, янгидан-янги бунёдкорликлар, инсоният вратган бебаҳо қадриятларни асраб-авайлаш, сақлаш ва янада раванқ топтириш борасидаги савий-ҳаракатлар, умумбашарий тараққиётга интилишлар йўлида кўп хайрли ишлар, саховатли талбирлар амалга оширилди. Шунингдек, шафозали савий-ҳаракатларда умумжаҳон тараққиёпарвар, тинчликсевар қучлар билан ҳамжиҳат бўлиб, мустақил юртимиз халқи ҳам яқун тоилган 2002 йилни жид-дий зафарлар, истиқлолий жараённинг ўн биринчи йилида ҳаётнинг барча соҳаси-да эришилган катта ютуқлар билан кузат-ганидан беҳад мамнунимиз. Энг муҳими, суюкли Ватанимизда тинчлик барқорор бўлди, осмонимиз мусаффо бўлиб, ноҳуш булутлар хурлик қўшишга тўсқин бўлмади... Бу эса табиат қонуни, тарих ҳукми билан силсиласи ниҳоя тоилган 2002 йилни маъ-суслик билан эмас, мамнунлик билан ку-тиб қолишга, яъни 2003 йилни севино-чу дилсарфозлик, кўтаринки руҳ билан кутиб олиш, илхом билан қарши олишга ҳуқуқ беради, қалбади севиночу шуурни мисрлар билан изохр этмоққа чорлай-ди:

«Ун икки»га етгач рақамлар, Яна қуртан занг урар мағрур. О, қанчалик завқли бу дамлар, Элға берар илҳом ва гуғур.

Ахир Ватан яна улғайди, Истиклол ҳам ўсди бир ёшга. Бахт ва севиноч қалбини чулғайди,

Тўсқин эмас булут қўёшга, Шундан юрт тинч, осмон мусаффо, Бунёдкор халқ қучар зафарлар. Эртанги кун янада рўшно, Элға чорлар эзгу сафарлар...

Юртдаги тинчлик-осойишталик ва бу ҳақда Юртбошимиз, Мустикал давлатимиз кўрсатаётган гамхўрлик, ҳаётимизнинг бошқа соҳалари каби маънавий турму-шимиз, халқ маданияти, санъатининг ҳам янада раванқ топиши, нафосатнинг бундан ҳам юксак маром тортиши учун яхши омиллар, зарур шарт-шароитлар яратиб бермоқда. Бундан эл эътиборини қозон-ган янгидан-янги адабиёт ва санъат асар-лари, томошабинлар завк-шавк билан ку-тиб олган спектакллар, кинофильмлар, ва-танпарварликка, тинчлик, бунёдкорликка чорловчи қўшиқлар, гўзал оммавий рақ-слар, халқ ижодиёти намуналари, ёш иқтидорларнинг қўриқ-танловлари, нафос-ат байрамлари, салобатли архитектура иншоотлари ҳам далолат бериб туриб-ди... Маданий-маънавий тараққиётимиз тарих зарваракларида муҳрланиб қолади-ган Конституциясимизнинг муборак 10 йил-лиги худди шу ниҳояланган 2002 йилда кенг байрам этилди; ушбу йилнинг бах-орида зебу нафосат таратган гўзал «Наврўз», кузнинг биринчи куннда танта-на этилган Мустикаллимизнинг шонли 11 йиллиги, Олий Мажлисининг сессияла-ри ва ундаги республикамиз Президенти нутқларида кўтарилган долзарб ҳаётий масалалар, халқ ҳаётини янада фаровон қилиш режалари — буларнинг барча-бар-часи истиқлолий жараёни янада авж ол-диришга, Республикаимизнинг жаҳон ай-вонидаги иззат-обрўсини, макъенин янада юксакроқ кўтаришга хизмат қилади.

Жаҳоннинг қатор мамлакатларида бўларканмиз, у ердаги метрополитенлар билан танишамиз, аммо бизнинг метро буларнинг орасида ўзига хослиги, ҳар бир ерости бекати бамисоли бир нафосат

Январь

Д. С. Ч. П. Ж. Ш. Я.

6 13 20 27
7 14 21 28
8 15 22 29
9 16 23 30
10 17 24 31
11 18 25
12 19 26
13 20 27

Февраль

Д. С. Ч. П. Ж. Ш. Я.

3 10 17 24
4 11 18 25
5 12 19 26
6 13 20 27
7 14 21 28
8 15 22
9 16 23
10 17 24 31

Март

Д. С. Ч. П. Ж. Ш. Я.

3 10 17 24 31
4 11 18 25
5 12 19 26
6 13 20 27
7 14 21 28
8 15 22 29
9 16 23 30

Апрель

Д. С. Ч. П. Ж. Ш. Я.

7 14 21 28
8 15 22 29
9 16 23 30
10 17 24
11 18 25
12 19 26
13 20 27

Май

Д. С. Ч. П. Ж. Ш. Я.

5 12 19 26
6 13 20 27
7 14 21 28
8 15 22 29
9 16 23 30
10 17 24 31
11 18 25

Июнь

Д. С. Ч. П. Ж. Ш. Я.

2 9 16 23 30
3 10 17 24
4 11 18 25
5 12 19 26
6 13 20 27
7 14 21 28
8 15 22 29

2003

Обод маҳалла ИМТМ



БАЙРАМ КУНЛАРИ:

1 январь — Янги йил
8 март — Хотин-қизлар куни
21 март — Наврӯз байрами
9 май — Хотира ва қадрлаш куни
1 сентябрь — Мустақиллик байрами
1 октябрь — Ҳақиқатчилар ва мураббийлар куни
8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни
Рӯза ҳайитининг биринчи куни
Қурбон ҳайитининг биринчи куни

Июль

Д. С. Ч. П. Ж. Ш. Я.

7 14 21 28
8 15 22 29
9 16 23 30
10 17 24 31
11 18 25
12 19 26
13 20 27

Август

Д. С. Ч. П. Ж. Ш. Я.

4 11 18 25
5 12 19 26
6 13 20 27
7 14 21 28
8 15 22 29
9 16 23 30
10 17 24 31

Сентябрь

Д. С. Ч. П. Ж. Ш. Я.

1 8 15 22 29
2 9 16 23 30
3 10 17 24
4 11 18 25
5 12 19 26
6 13 20 27
7 14 21 28

Октябрь

Д. С. Ч. П. Ж. Ш. Я.

6 13 20 27
7 14 21 28
8 15 22 29
9 16 23 30
10 17 24 31
11 18 25
12 19 26

Ноябрь

Д. С. Ч. П. Ж. Ш. Я.

3 10 17 24
4 11 18 25
5 12 19 26
6 13 20 27
7 14 21 28
8 15 22 29
9 16 23 30

Декабрь

Д. С. Ч. П. Ж. Ш. Я.

1 8 15 22 29
2 9 16 23 30
3 10 17 24 31
4 11 18 25
5 12 19 26
6 13 20 27
7 14 21 28

ТОШКЕНТ ШАҲИДАТИ

ТЕЛЕФОНЛАР ХИЗМАТИ

- ◆ Ёнги хавфсизлиги хизмати — 01
- ◆ Милиция — 02
- ◆ «Гез ёрдам»ни чакришти — 03
- ◆ «Тошгаз» хизмати — 04
- ◆ Фавқулодда вазиятлар вазирлиги куткувар хизмати — 050
- ◆ Темир йўл бошқармасининг маълумотнома-си — 005
- ◆ «Тошшаҳарйўловитранс»нинг такси буор-тмаси — 062
- ◆ «Камалак — ТВ» (таъмирлаш хизмати) — 065
- ◆ Дорихоналар бўйича марказий маълумот-нома — 069
- ◆ Шаҳарлараро сўзлашувлар учун буортма-лар — 07
- ◆ Ташкилотларнинг телефонлари ва об-хаво маълумотмаси (русча, узбекча) — 09
- ◆ Шаҳарлараро телефон тармоғи маълумот-номаси — 007
- ◆ Хонадонларнинг маълумотномаси — 009
- ◆ Халқаро сўзлашувлар буортмаси — 061
- ◆ Шаҳар телефон тармоғи иши бўйича ке-чақо кундуз маълумотномаси — 064

ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИНИ

ТАЪМИРЛАШ ХИЗМАТИ

- ◆ Туғри ўтказгичларни таъмирлаш хизмати — 068
- ◆ Марказий алоқа тармоғи — 35-04-25
- ◆ Марказий алоқа тармоғи — 35-09-10
- ◆ Собир Раҳимов алоқа тармоғи — 084
- ◆ Собир Раҳимов алоқа тармоғи — 28-04-25
- ◆ Собир Раҳимов алоқа тармоғи — 29-09-10
- ◆ Собир Раҳимов алоқа тармоғи — 085
- ◆ Собир Раҳимов алоқа тармоғи — 55-04-25
- ◆ Собир Раҳимов алоқа тармоғи — 55-09-10
- ◆ Собир Раҳимов алоқа тармоғи — 086
- ◆ Собир Раҳимов алоқа тармоғи — 162-04-25
- ◆ Собир Раҳимов алоқа тармоғи — 162-09-10



◆ Чилонзор алоқа тармоғи — 087

◆ Янгибод алоқа тармоғи — 089

◆ Янгибод алоқа тармоғи — 089

◆ Янгибод алоқа тармоғи — 97-04-25

◆ Янгибод алоқа тармоғи — 97-09-10

◆ Янгибод алоқа тармоғи — 087

◆ Янгибод алоқа тармоғи — 77-04-25

◆ Янгибод алоқа тармоғи — 77-09-10

◆ Янгибод алоқа тармоғи — 089

◆ Янгибод алоқа тармоғи — 97-04-25

◆ Янгибод алоқа тармоғи — 97-09-10

◆ Янгибод алоқа тармоғи — 087

◆ Янгибод алоқа тармоғи — 77-04-25

◆ Янгибод алоқа тармоғи — 77-09-10

◆ Янгибод алоқа тармоғи — 089

◆ Янгибод алоқа тармоғи — 97-04-25

◆ Янгибод алоқа тармоғи — 97-09-10

◆ Янгибод алоқа тармоғи — 087

◆ Янгибод алоқа тармоғи — 77-04-25

◆ Янгибод алоқа тармоғи — 77-09-10

◆ Янгибод алоқа тармоғи — 089

◆ Янгибод алоқа тармоғи — 97-04-25

КҰНФИРОҚ ҚИЛИНГ, СҰРАНГ, БИЛИБ ОЛИНГ

«ГЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ»НИНГ ТУМАН НИМСТАНЦИЯЛАРИ

- ◆ «03» бўйича навабачилар — 136-73-60
- ◆ Собир Раҳимов -2-болалар — 48-37-29
- ◆ Шайхонтоҳур 3-катталар — 41-23-49
- ◆ Акмал Икромов -4-катталар — 41-24-63
- ◆ Мирзо Улугбек -5-катталар — 72-32-04
- ◆ Юнусобод -6-болалар ва катталар — 66-44-27 (28)
- ◆ Яқкасарой 10-катталар — 21-42-70
- ◆ Яқкасарой -8-болалар ва катталар — 55-85-54
- ◆ Сергели -8-болалар ва катталар — 58-70-76
- ◆ Чилонзор 9-катталар — 116-73-88
- ◆ Шайхонтоҳур 1-катталар — 43-26-68
- ◆ Миробод — Ҳамза 7-катталар — 90-70-03
- ◆ Собир Раҳимов 13-катталар — 48-46-77
- ◆ Юнусобод -6-катталар — 21-42-70
- ◆ Ҳамза -Миробод 3-болалар — 97-77-79
- ◆ Бектемир -16-катталар — 195-10-03

ТУМАН ҲОКИМЛИКЛАРИНИНГ ҚАБУЛХОНАЛАРИ

- ◆ Акмал Икромов — 74-19-23
- ◆ Бектемир — 195-02-46
- ◆ Миробод — 133-29-86
- ◆ Мирзо Улугбек — 68-94-04
- ◆ Собир Раҳимов — 29-00-93
- ◆ Сергели — 58-06-20
- ◆ Ҳамза — 133-33-72
- ◆ Чилонзор — 77-00-94
- ◆ Шайхонтоҳур — 41-04-50
- ◆ Юнусобод — 137-61-41
- ◆ Яқкасарой — 55-74-49

МИЛИЦИЯНИНГ ТУМАН БЎЛИМЛАРИ

- ◆ Акмал Икромов — 72-99-57
- ◆ Бектемир — 195-02-39
- ◆ Миробод — 191-58-02
- ◆ Мирзо Улугбек — 67-93-50
- ◆ Собир Раҳимов — 46-09-90
- ◆ Сергели — 58-02-42
- ◆ Ҳамза — 96-06-30
- ◆ Чилонзор — 78-20-71
- ◆ Шайхонтоҳур — 42-35-02
- ◆ Юнусобод — 35-00-02
- ◆ Яқкасарой — 55-94-96
- ◆ Шаҳар ИИББнинг ишонч телефонлари — 133-64-97
- ◆ Бектемир -16-катталар — 136-75-82
- ◆ Бектемир -16-катталар — 136-75-66

ШАҲАР ГАЗИНИНГ ТУМАНЛАРЛАТИ

ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

- ◆ Марказий авария-диспетчерлик хизмати — 55-44-29
- ◆ Акмал Икромов — 74-44-34
- ◆ Бектемир — 195-14-43
- ◆ Миробод — 64-15-61 (62)
- ◆ Мирзо Улугбек — 67-46-24
- ◆ Собир Раҳимов — 48-35-48
- ◆ Сергели — 58-84-33
- ◆ Ҳамза — 58-78-52
- ◆ Собир Раҳимов — 96-39-61
- ◆ Собир Раҳимов — 96-39-80
- ◆ Чилонзор — 77-09-22

ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ

ИДОНАЛАРИ

- ◆ Шаҳар бошқармаси — 136-00-25
- ◆ Акмал Икромов ТИТБ — 72-36-72
- ◆ Бектемир ТИТБ — 195-06-23
- ◆ Миробод ТИТБ — 56-54-96
- ◆ Мирзо Улугбек ТИТБ — 169-14-59
- ◆ Сергели ТИТБ — 58-39-35
- ◆ Собир Раҳимов ТИТБ — 48-19-03
- ◆ Ҳамза ТИТБ — 67-82-90
- ◆ Чилонзор ТИТБ — 77-87-10
- ◆ Шайхонтоҳур ТИТБ — 49-05-66
- ◆ Юнусобод ТИТБ — 35-52-04
- ◆ Яқкасарой ТИТБ — 50-85-31

ТУРЛИ-ТУМАН ЗАРУР ХИЗМАТЛАР

- ◆ Топилмалар бюроси — 53-05-79
- ◆ «Қора лола» маросимлар хизмати — 35-81-75
- ◆ — 34-34-01
- ◆ «Тошкент» — 79-39-29
- ◆ — 79-39-15

АВТОВОКЗАЛЛАР

ТОШКЕНТ МЕҲМОНХОНАЛАРИ

- ◆ «Интерконтиненталь» — «Тошкент» — 120-70-00
- ◆ «Савҳат» — 68-67-42
- ◆ «Олимпия» — 68-67-30
- ◆ «Шератон» — «Тошкент» — 29-44-65
- ◆ «Ўзбекистон» — 138-30-00
- ◆ «Худра» — 120-77-77
- ◆ «Турон» — 144-26-28
- ◆ «Цирк» — 41-07-05
- ◆ «Лабзак» — 144-65-40
- ◆ «Бунми-интернейшл Тошкент» — 41-01-08
- ◆ «Хосилот» — 120-66-00
- ◆ — 53-31-96

ШУКРОНАЛИК

Куну кечагина телефонда бўлиб ўтган бир мулоқот юрагимни алғов-далғов қилди. Салом-алиқдан сўнг ғўшадгаки салмоқдор овоз ийманибгина кириб келган энги йил билан кўтлади-да, ўзининг қалб сўзларини айтишга изн сўраб олгач, гўё биров унинг гапини узиб кўядигандек шоша-пиша сўйлай кетди: — Қадрли опахон, менинг назаримда сиз йил сайин орзуларни ушалиб келаятган — энг буюк бахт сохиби бўлган инсонсиз. Сизнинг бундай бахтиёрлигингиздан беҳад қувонганим учун ҳам, Янги йилда сизга бундан-да қувончли кунлар насиб этишини тилайман...

Балаңдарвоз бу сўзлардан талмовсираб қолдим-да: — Қандай буюк бахт экан? Нималар дейясиз? — дея олдим.

— «Изларини излайман» китобингизда изхор қилган орзу-тилақларингизга етган одам экансиз, — деди у ҳажжон билан. — Агар билсангиз, бундай бахт ҳаммага ҳам насиб этилвермайди. Аслида... Шундан сўнг телефон узилиб қолди.

Бу гаплардан ҳажжонлаиб уйланиб қолдим. «Ким бўлди бу нотаниш ҳамсўхбат? Исмшарифини ҳам билонмай, миннатдорчилик ҳам изхор этолмай қолдим. У кимсанинг кўнгирик қилишини кутдим. Аммо қайта кўнгирик қилмади у.

Мана нималарни орзу қилган эдим мақола газетдада чоп этилган 1992 йилда... 1930 йилда бедарак йўқолган отам изини излаб ҳужжатларда дуч келганим истиклол йўлидаги кураш тарихи — мустабид шўро тузуми даврида юртимизда мустақиллик учун курашган «Миллий истиклол» ҳалқ ҳаракати аъзоларидан хибсага олинган 87 кишининг 15 нафари Москвадаги «Бутирка» авахтасида азоб чеканлари ва улар — Ўзбекистон фуқаролари РСФСР жиноят мажмуасининг 58-моддаси билан айбланиб, улардан беш нафари:

- 1. Саид Абдурашидович Ахрорий (менинг падари бузруқориди);
- 2. Мунавварқорни Абдурашидов;
- 3. Салимхон Тиллаханов;
- 4. Тангриқулхожи Мақсудов;
- 5. Нахитдин Шераҳмедовлар

Москва шаҳрида қатл этилганликларидан дарақ топан эдим. Қолган ўн нафари Тошкентда отилган.

Уша чоғларда не қўйга тушганимни ёлғиз ўзим билдим.

Шаҳидларга ёдгорлик қўйиш ҳақида орзу қилардигу, республиканинг оқ-қорани таниган фуқароси сифатида: «Бунни ким қилади? Маълагни қаердан олади? — деб ўйлардик. Мустақил давлатимиз хали ёш — энди икки ёшга кирди, хали гўдак деса бўлади. Еш мустақил давлат олдига бажарини зарур бўлган озмунча долзарб ваазифалар турибдими — қай бирини бажаради?.. — деганга ўхшаш ўйлар бошимда гужгон ўйнади. Мен мустақиллик учун курашда шахид кетган ўн беш юртодшимизга ҳайқал қўйишни ўйлардим. Лекин мустақил Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти воқеъларини шунчалар теран идрок этганини, кўп ўтмай мустақил диёримизда Ватан ва халқ озодлиги йўлида курбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаш-

тириш тўғрисида қарор қабул қилинди, Юнусобод туманидаги бўзлаб оққан Бўзсув соҳилида йирик бир қурилиш бошлаб юборилди. Ордадан кўп ҳам ўтмай Юртобшимиз ташаббуслари, республика ҳукумати саъй-ҳаракати ва халқнинг қўллаб-қувватлаши билан кўркам ва маҳобатли ёдгорлик — «Шаҳидлар хотираси» мажмуи қад ростлади. Менинг ва минг-минглаб шаҳидлар яқинларининг қувончининг чеки йўқ эди. Бу мажмуа ота-боболари мустабид тузум даврида қатл этилиб, қафасиз ва жанозасиз кетган, ҳатто қабр ҳам насиб этмаган юртодошларимизнинг рамзий қабри бўлиб, эл-улуснинг миннатдорлиги белгиси сифатида қад ростлади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов айтганидек, «Озодлик бўлмаганда, тинчлик ва барқарорлик бўлмаганда, фидойи юртбошимиз бўлмаганда бу хайри сабовни ким қўлар эди, ким унга изн берарди?»

Нур устига аъло нур бўлиб Шаҳидлар хотираси мажмуи — муқаддас зиёратгоҳ яқинида яна бир гўша — музей қад ростлади. Буларнинг бари менингина эмас, балки, мустабид тузум даврида хўрланган, жафо чеккан жабрдидаларнинг барчасининг бахти — истиклол берган бахт бўлди.

Шулар ҳақида ўйлаганимда, телефонда сўзлашган нотаниш ҳамсўхбатим айтганидек, Мустақиллик йилларида бир умрлик орзу-тилақларига бир-бир етиб келган бахтли инсон эканлигимга имон келтирдим.

Хой, менга эзгулик тилаган нотаниш дўст: Сиздан миннатдорман! Сиз менинг қалбимга ишонч уруғларини сочдингиз — армонларим аришига, орзуларим ушалшига юз тутганига қалбимда қомил ишонч ўйотдингиз. Эндилди мен Сизнинг қўллаб-қувватлашингиз ва далдангизга таянган ҳолда баралла айта оламан: «Ха, мен мустақил юртининг армонлари ариган, умид-орзулари ушалган масъуд фарзандларидан бириман. Мен кўрган азоб-уқубатлардан менинг ўғил-қизларим, невара-чевараларим фориғ. Демак, мен Сиз айтгандек энг бахти бекам инсонман. Истардимки, ҳар бир ватандошим ўз ҳаётига қалб қўзила назар солса... Ишончим қомилки, уларнинг ҳар бири истиқлол уларнинг ҳаётида қанчалар ўзгаиришлар ясаганини кўради. Ўйлайманки, бунинг учун ҳаётга теранроқ боқмоқ жоиз.

Бахтим шундаки, аввало 60 йил давомида излаганим отамнинг дарагини Мустақиллик шарофати билан топдим.

Ўқидамки, отамнинг 1918 йилдан 1930 йилга қадар газета ва журналларда чоп этилган мақолалари ва шеърларини эски ўзбек ёзувдан кирил ҳарфига кўчириб тўплаб, уларнинг танланган асарларини чоп эттиришга муваффақ бўлдим. «Саид Ахрорий» номили ҳужжатли фильм чикаришга эришдим. Буларнинг барига истиклолимиз шарофати билан муваффақ бўлдим.

Эл-юртимиз бу йиллар ичида бошқача чирой очди. Пойтахт шахримиздагина эмас, бутун ўлкада қурилишлар давом этаётир — гўёки бутун республика катта қурилиш майдонига айлангандек.

Ана шундай дорилонан замон берган бахтдан яйраб-қувнаб ватандошларимизни кириб келган янги 2003 йил билан кутлайман.

Холида АХРОРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

лар эккин. Бу дарахтларни сен фарвариш қилаётганингни фарзандларинг кўрсин. Токи келажақда улар эзгу ва сабовли ишларининг давом эттирсинлар. Бу маҳалланинг йўлақларига гуллар эк. Токи бу гуллар сенинг номингни айтиб очилсинлар.

Хар кун атрофдагиларга айтгани ширин сўзларинг хази насини оч! Токи ширин сўзларинг турфа гуллардек қалбларга гўзаллик бахш этсин.

Унутмайлик, бу бетақорр сахийлик юрак аталмиш бетиним қушинг улкан мададкори, најоткоридир.

Қўшинг тинч — сен тинч. Маҳалланг обод — сен бахтиёрсан.

Тинчингни, бахтингни ўзинг асра, ўзинг қадрига ет.

Зуфия МҰМИНОВА,
Сергея тумани ҳокимлиги Матбуот хизмати маркази раҳбари.


ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Дилда эзгу ниятлар кўп

Ашурали ХУДОЙНАЗАРОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети магистранти, «Умид» гранти совриндори:

— Мустақил юртимизда таълим-тарбияга, келажақ авлод камолига катта эътибор қаратилмоқда. Шу эътибор ва ғамхўрлик туфайлигина билимга чанқок, зукко, ўз Ватанининг ривож учун ҳиссасини қўшишни истган толиби-илмлар дунёнинг энг ривожланган давлатларида билим олиб келмоқдалар.

Мен ҳам ана шундай бахт насиб қилган инсонларданман. 1993 йили бир олам орзулар билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Халқаро иқтисодий алоқалар факультетига ўқишга кириш бахтига муяссар бўлдим. Ўқиб, изланиб, иқтисодий назарияни, олий математика, чет тилини чуқур ва мукамал ўргандим. Бу борада билимдон ва талабдор устозларимга, айниқса биринчи устозим — Зинаида Юрбановага ҳаммиса таъзимдаман. Чунки бу фидойи устоз нафақат билим, балки яхши тарбия ҳам берганлар. 1997 йили бакалавриятни қизил диплом билан тугалладим, лейтенант унвонини олдим. Шу йили «Умид» гранти совриндори сифатида Германиянинг Фленсбург университетининг «Инсон ресурсларини ривожлантириш менежменти» магистратурасида ўқиш бахти насиб этди. Шу ўринда айтмоқчи эдимки, ўзбекистонлик талабаларнинг яхши ўқишлари, қийналмай яшашлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Фақат талабадан яхши ўқиш, чуқур билим олиш талаб қилинади. Мен Германияда мустақил ҳаёт, ота-она, она-Ватандан узоқда бўлганда, қисқаси мусофир бўлганда сен учун қадрдон бўлган ҳамма нарсанинг ўрни қанчалик буюклигини ҳис қилдим. Пишқ-пухта билим олишга, ўрганишга, она-Ватанимга қайтганда эса ўрганганларимни, ўзлаштирганларимни ҳаётга татиб қилиб, юрт ривожига тараққийи учун хизмат қилишга қатъий аҳд қилдим. Шу ниятда ўқиб 1999 йилда фан магистрия унвони билан, имтиёзли, қизил диплом билан юртимга ёруғ юз билан қайтганимда ўзимни жуда бахтли деб ҳисобладим.



Ўйлаб кўрсам менинг гимназия синфида аъло баҳоларга ўқиб, пухта билим олишим, олий таълим даргоҳида ва ниҳоят чет элда бўлиб қайтишимнинг барчаси мустақиллик шарофати билан амалга ошган экан. Оқдий оила фарзанди учун (отам Курбонали инженер ва онам Маҳбуба химия ўқитувчиси, 3 та укам ҳам олий маълумотли) ҳаётда эришганларимни жуда катта бахт ва омад деб ўйлайман. Катта орзу-ниятларим, илм-фан йўлида амалга ошироқчи бўлган улкан мақсадларим бор. Ҳозир аспирантурада ўқишни давом эттирялман, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини тугатган билан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида меҳнат-ижтимоий соҳаси мониторинги бошқармаси бошлиғи ўринбосари вази фасида ишляяман. Олган билимларимни амалда қўллаб Ватан равнаки учун, иқтисодий муаммолар ечимини йўлида замонавий билимлар бериш, Интернет саҳифаларини ишлаб чиқиш, Меҳнат ресурслари балансининг ҳар чоракда ҳисоб-китобини амалга ошириш, меҳнат бозорини давомий вақий таҳлил қилиш маълумотномаларни тайёрлаш каби вазибаларни сидқидилик билан бажариб, менга билдирилган ишонч ва эътиборни оқлашга ҳаракат қиламан. Ўз қизиқишим бўйича маълумот базаларини программлаштириш бўйича ҳам иш олиб бораман. Қисқаси, одам уруф боғуниги керак деб ўйлайман: «Вақтинг беқорга, зое кетгани ёмон, имкон борида илм олишга ҳаракат қилиш керак» деган ибратли ақидага ҳаммиса амал қилиб яшайман. Кўнглимда, дилимда жуда кўп айтилмоқчи бўлган гаплар турибди.

Азиз тенгдошим, фикрдошим, замондошим, вақтинганам бил, она-юрт, ота-онанг, сенга ишонганларинг ишончини оқлаб, мустақил она-юртимизнинг гўллаб-яшнашга ўзининг муносиб ҳиссангни қўш — дегим келлади.

Янги йилмиз барчамизга бахт ва омад, юртимизга тинчлик-хотиржамликни, фаровонлини олиб келсин. Бошланган барча эзгу ва хайрли ишлар амалга ошсин, Ўзбекистонимизнинг нуфузи эса бундан ҳам юқори бўлиб, илм олишга интиланган, юрт қорига яйрадиган оловқалб ёшлар сафи янада ортсин!

2003 — ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Меҳр дарахти остида бирлашганмиз

Ватан маҳалладан бошланади. Маҳалла эса остонадан. Шу Ватан бизники. Биз бу ерда кўни-кўшни, маҳалладошлар деб аталмиш ўзимизга ўхшаш меҳр дарахти остида бирлашганлар билан бирга яшаймиз. Хар тонг ўйимиздан чиқар эканмиз, кимдигар салом берамиз, кимдир бизга салом бериди. Ўз-ўзидан қўзларингизга севинч югуради. Эзгулик сари интилаётган маҳалладошларнинг ҳаммиси таниш. Барчаннинг тилақлари чиройли.

Болалигингдан маҳалла аталмиш илқ калом сенга йўлдош. Шу калом орқали ўзингга талабчорсан: «Маҳалладагилар нима дейди?», шу бир сўз орқали кўнглинг тўқ. «Тўй қилсам маҳаллам бор» дейсан, ёлғиз эмассан. Қайгули кунларингга сен айтмасинг-

данок келиб елкадош бўлади-ган ҳам маҳалланг.

Бу маҳалланинг йўлларида отангнинг излари қолган, бу маҳалланинг йўлларида онангнинг нигоҳлари тушган дарахтлар осмонга буй ёъзган. Энди бу йўллардан сен юрмоқдасан. Маҳалланг йўлларида дарахт-

Мушоира

Миллион қалбда порлаган нур бўл

Уфқларда яна кўзимиз,
Бунёдкорлик айтар сўзимиз,
Халол топган нону тўзимиз,
Шарафларга сен тўёна, кел,
Яхшиликка бўлиб она кел,
Беэаб умримизни Янги йил!

Озод элнинг алплари бисёр,
Алларагадир омаду бахт ёр,
Хар қадамда бир эзулик бор,
Сен ҳам нурдек ёна-ёна кел,
Яхши кунга бўлиб она кел,
Беэаб умримизни Янги йил!

Ватан — бизнинг энг олий нишон,
Уни севмак виждону иймон,
Унинг учун ёниб хар қачон,
Биздек ишкин жойлаб жона кел,
Яхшиликка бўлиб она кел,
Беэаб умримизни Янги йил!

Ёмонларга ҳеч келмаймиз бўш,
Керак бўлса керажакимиз тўш,
Томирдагил қандай ўйна, жўш,
Ёғий қолсин минг хайрона кел,
Яхшиликка бўлиб она кел,
Беэаб умримизни Янги йил!

Сен асримга учинчи доvon,
Забт этамиз ахил, соғ-омон,
Оқшайлади хур Ўзбекистон,
Шодликларга сен ҳамхона кел,
Яхшиликка бўлиб она кел,
Беэаб умримизни Янги йил!

Миллион қалбда порлаган нур бўл,
Мардона бўл, биз каби хур бўл,
Фидойи бўл, ёркин умр бўл,
Яхши кундан сен нишона кел,
Беэаб умримизни Янги йил!

Кексалари мудом иззатда,
Ёши борки, бари хизматда,
Маҳаллалар обод албатта,
Хар йилимиз тўй, тўйхона, кел,
Яхшиликка бўлиб она кел,
Беэаб умримизни Янги йил!

Оппок қордек лоқдир биллақлар,
Куч-қудратга тўла биллақлар,
Истиклолга фидо юраклар —
Садосига қона-қона кел,
Яхшиликка бўлиб она кел,
Беэаб умримизни Янги йил!

Темур УБАЙДУЛЛО

Вақтни қўл билан ушлаб,
Кўз-ла кўрмоқчимисиз?
Гул ва япроқда эрур
Хар лаҳзанинг ранг, изи!

Бугун билан эртаимиз
Елганида изма-из,
Гулнинг ёрқини гўзал,
Йилнинг эса янгиси.

Токларни жуфт-жуфт айлаб,
Ётларни этиб ўрток,
Тиним билмас туну кун,
Мухаббатнинг тангриси.

Бир чирок атрофига
Оила жам бўлган чоғ,

Ёркин из

Ишқнинг эскиси афзал,
Йилнинг эса янгиси.

Қошларга чанг кўнса ҳам,
Кемирмасин дилни занг.
Ўтти севар шунинг-чун
Йилит-қизинг тангриси.

«Томир чигал бўлмасин,
Тугамасин йўл» десанг,
Ишинг улкани дуруст,
Йилнинг эса янгиси.

Кумушдай оқ кенгликка
Пок ва чуқур из солиб,

Елдай энгил елганда
Замонанинг чангиси,

Ношуд ўтмишда қолиб,
Ғолиблар соврин олиб,
Бахтнинг кулгани дуруст,
Йилнинг эса янгиси.

Йиллар навбат алмашиб,
Кўшиллоқда қаторга,
Истикболнинг яна бир
Кўли қадоқ жангиси.

Мана, она-еримиз
Юз ўғириб баҳорга,
Йўлга чиқди улўғ халқ,
Йилнинг эса янгиси.

Хусниддин ШАРИПОВ

ЎЗБЕК СПОРТИ ЮДУЗЛАРИ

Ўзбек спортининг бошқа турлари қаторида футбол ҳам ривож топмоқда. Миллионлар ўйини бўлиши футболни Биродар ва Азамат Абдураимовлар, Николай Ширшов, Шухрат Мақсудов, Олег Шақиқих қабиллар санъат даражасига кўтаришган. Шулар орасида ёркин юдуз мисол порлаган моҳир футболчи Миржалол Қосимов ҳам бор. Янги 2003 йил арафасида биз Ўзбекистон миллий тарма жамоаси ва «Пахтакор» футбол клубининг плеймекари Миржалол Қосимов билан суҳбатлашдик:

Футбол —

менинг ҳаётим

— Футболчи сифатида шаклланиш ва дастлабки муваффақиятларингиз мавсуми «Пахтакор» жамоасида кечган. Яқинда қадрдон жамоага қайтдингиз. Ўзбек футболининг 90 йиллиги нишонланган ушбу кутлуг мавсумда «Пахтакор» хар қачонгидан ҳам хужумкор баҳс кўрсатди, улкан муваффақиятларга эришди. Жумладан, Осиде чемпионлари лигасида ҳам кейинги боскичга йўлланма олди. Ушбу ютуқларнинг сирини нимада деб ўйлайсиз?

— Хар гал «Пахтакор» сафида ашил майдонга тушганимда семимли жамоага галаба келтириш, ютуқларига яна ютуқ

лий чемпионатда қайси футболчилар кўрсатган ўйин таҳсинига лойиқ?

— Жамоамизда ёмон ўйнайдиган футболчиларнинг ўзи йўқ. Юқорида айтиб ўтганимдек, барча астойдил ҳаракат қилиб, ғолиблик сари интилади. Яқунланган мавсумда барча футболчиларимиз яхши ўйнашди. Улар орасида Бахтиёр Ашурматов, Игнатий Нестерев, Александр Гейнрихлар мактовга арзигулиқ ўйин кўрсатишди.

— Келаси мавсумда ҳам сизни «Пахтакор» сафида кўраммизми?

— Мен кўп юртларни кезиб, қанчадан қанча футбол ўйинларида иштирок этдим. Яқинда «Ал-шабоаб» футбол командаси таркибида бўлдим. Лекин семимли жамоам — «Пахтакор»га қайтиб келдим. Шунинг учун ҳам келаси мавсумда «Пахтакор» жамоаси таркибида ўйнашни давом эттирмам. Халқаро мусобақаларда яъни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионлар турнири, Осиде чемпионлар лигаси турнирида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш ниятидам.

— Ўзбек футболли келажиги ҳақида қандай фикрдасиз?

— Футболчимиз келажига ишонч билан қарайман. Чунки янгидан янги, келажак порлоқ футболчиларимиз чиқишяпти. Ёшларимиз жаҳон чемпионати финалига йўл олишди. Олимпиячиларимиз



ҳам асосий вазифани удралаб, 2004 йил Афинада бўладиган олимпиада ўйинларида қатнаша олишларига ишонса бўлади. Мухими, улараг етарли шароит яратилса бас.

— Янги 2003 йил арафасида туризмиз. Байрам муносабати билан ҳамшаҳарларга тилақларингиз.

— Янги йил барча учун бирдек семимли байрам. Юртдошларимиз энг эзгу ниятларини тилайдилар. Менинг ҳам тилагим, аввало юртимиз тиңч бўлсин. 2003 йилда барча юртдошларимизнинг ниятлари амалга ошин. Янги йил спортчиларимизга фақат омадлар келтирсин. Ҳамма соғ-саломат бўлиб, ўзбек спорти янада ривож топаверсин.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур. Сизга ҳам режалаштирган ишларингизда таъфиз ёр бўлишини тилаймиз.

Азиз ИЛҲОМОВА суҳбатлашди.

03-03 ЎРТАНДО ДОНО БЎЛУР...

• Дўстнинг сўз, насиҳат таъби аччиқ кўринса ҳам натижаси жуда ширин, лаззатли бўлади.
• Муътадиллик ҳагерасидан чиқиб кетган, ўртача ҳолга қанаот қилмай ҳаддидан ошган кишига ўз сиғинасида сақланган меъдаси ҳам душмандир.
• Кимнинг миеси ёз фаслида қайнаса, киш фаслида қозони қайнайди, яъни ёзда куч сарф этиб меҳнат қилган киши қишда роҳат ва фароғатда умр кечиради.
• Ақли расо бўлган одам хар хил беҳуда сўзларни сўзлашдан ўзини тийди, тилини ярамас сўзлар айтишга ўргатайди.
• Қош қўяман деб кўз чиқарадиган нодон киши билан дўст бўлма, у билан суҳбатлашма.

БАЙТ:
Тутма суҳбат ёмон билан ҳариз,
Пок бўлсанг, сени палид айтар,
• Нуриддин Абдураҳмон Жомий ўз ўлига насиҳат қилиб айтади:

— Улқим, ўзинга, халққа манфаатли ишлар қилиш билан шуғуллан, илм, хўнар, маърифатдан баҳраманд бўл, қилиш, нодонлик йўлига кирма, нодон киши — ўлик, доно эса тирик ҳуққидадир. Илмга эга бўлганингдан кейин илминга аман қил. Ҳен кимга ёмонлик истама, дил озор бўлма. Дўстларингга эҳсон қил, лекин дўст ким, душман ким эканини бир-бириндан ажратиб ол. Китоб ўқишга мумкин қадар вақтингни сарф қил, китоб ҳамроҳинг бўлсин. Бир одамага ваъда берсанг, албатта ваъданга вафо қил, бевафалик қўчасига қадам қўйма.

БАЙТ:
Сен ёмонликка айласанг рағбат,
Неча турли ёмон бало кўргунг.
• Оғир ҳазиллар кўнгилсиз воқеаларга ва икки дўстнинг бир-бирига душман бўлиб кетишига сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳазилқашликдан сақланиш лозим.

БАЙТ:
Кимса бирла қилмагил асло ҳазил,
Ўғри айтганлар: «Ҳазилнинг сўнги эли».
• Бир доғишмандининг шогирди устодидан сўради: — Менинг жуда муҳим бир сирим бор. Шу сиримни дилимда сақлавериб юрагим қон бўлиб кетди. Сир сақлайдиган бир дўстимга сиримни айтиб, юрагимни буша-тиб олмақчиман. Сиз нима маслаҳат берасиз? — деб сўради. Устоди айтди: — Сенинг сиринг фақат ўзингатагина керак, бошқа одамага сира ҳам керакмас, модомики, ўз сирингни ўзинг сақлай олмасанг, бошқа киши ўзинга керак бўлмаган сирни қандай сақлай олади? Агар у сирингни ошкор қилса бунга таъажуб этишининг ҳоҳати бўлмайди.

БАЙТ:
Ўз сирингни дилда сақлай олмасанг,
Ошкор қилса биров, унга таъажуб айлама.

• Ақлож, тарбия олимларидан Мухаммад Оди айтади: — Тироклик учун қўрашда муваффақият ҳазонлиш фақат савй-ҳаракатга болдиқдир. Савй-ҳаракат инсонларни доимо яхшиликка ва юксалишга йўналтирувчи бир тараққиёт омилдир.

• Айтишларича, қадимги «Умавия» давлати халифаларидан Абдулмаллик ибн Марвон машҳур олим Шазъбийдан:

— Саховатли, олижаноб, пок одамларнинг нишонлари нима? — деб сўради. Шазъбий айтди:

— Бундай пок-соф одамлар бир кишини дарров ўзларига дўст қилиб олмайдилар; аввал яхшилаб текшириб иттиҳондан ўтказганларидан кейингина дўстликка қабул қилдилар. Шу билан бирга, улларнинг бировга бўлган гина ва адоватларини ҳам теъда бўлмайди, узок вақт ўйлаб, фикр қилганларидан кейингина вуҳудга келлади. Гаразғўйларнинг сўзларига ишониб дарров ғезабланимайдилар, чунки қулуш қўза узок вақт тургандан кейин маъабодо синиб қолса, дарҳол уни тўзатиб, яна ундан фойдаланиш мумкин. Аммо баҳил, ноқас ва пастваш кишилар бирор билан дўст бўлсалар, улларнинг дўстликларининг биноси теъда бузилиб, хароб бўлади, чунки улларнинг дўстлиги сопол қўзма ғўшайди, сопол қўза синса, уни тўзатиб, ишлатиш мумкин бўлмайди.

• Инсоннинг фазилатлари, қадр-қиймати унинг аҳда, ваъдага вафо қилишидан билинади.
• Энг улўғ хайр-эҳсон — сўралмасдан берилганидир.
• Фикр ва таъбири қўчиси бўлган кишининг душмани кўчи бўлади.

• Келгусида турмуши, ҳол-аҳолининг қандай бўлишини ўйламасдан ҳозирги ҳузурим — ҳузур деб умрини беҳуда нарсаларга сарф этган, айш-ишратга берилган киши ниҳоят паришон аҳволга тушади, қайғу-алам дарёсида қарқ бўлади.
• Баъзи доғишманлар бир қириннинг сирини, қандай сир бўлмасин ошкор қилишни маън қилганлар, ўзинларни эса очилиши жамиятнинг манфаати учун лозим бўлган сирни яширмасдан ошкор қилишни тавсия қилганлар. Маса, лан, бир киши бошқа бир кишини ноҳақ ўлдирди. Шу жиноятдан хабардор бўлган ва котилини тангани киши буни сир сақламасдан дарҳол тегишли идораларга хабар бериши керак. Агар хабар бермаса жиноят қилишда қотил билан бир сафда ҳисобланади, деганлар.

• Бир доғишманда айтди:
— Ақли, доно кишиларнинг сўзлари ёқимли, хулқ-атворлари мақбул ва марғуб бўлади. Улар одамлар олдида адаб билан ўтирадилар ва адаб билан турдилар. Очик юзли, мулоимий сўзли, ҳушмуомалали бўладилар. Тақаб-бурлик, манманлиқдан сақланадилар.
• Айтишларича, бир кун икки киши Анушерован саройи ённга келиб уллардан бириси қичқирди: «Ёмонлик қилма, ёмонлик қилишни сира ҳам ўйлама, агар ёмонлик қилсанг, бир кун албатта жазосини тортасан», — деди.

• Иккинчи одам ҳам қичқирди:
— Яхшилик қил, доимо яхшилик қилиш ҳаракатида бўл, бир кун мукофотга эришасан, — деди.
Анушерован биринчи айтган қишга миш танга, иккинчисига икки миш танга беришини буюрди. Анушеровоннинг вазирлари ундан:

— Хар икки одамнинг айтганлари бир хил маънони ифода қилди, лекин сиз биринчи қишга оз, иккинчисига кўп пул инъом қилдингиз, бунинг сабаби нима? — деб сўрадилар. Анушерован айтди:

— Биринчи киши насиҳатини «ёмон» деган сўз билан, иккинчисиси «яқши» сўзи билан бошлади. Ёмондан қанча нафрат қилакс, яқшини шунча ҳурмат қиламиз. Дўстларнинг яхшилик ҳамма яхшиликлардан юқори ўзин олади.

БАЙТ:
Икки наҳийинг сурати бирдек ва лек,
Биттасидан қанд олурлар, биттасидан бўриб.

Болажонлар қасамёд қилишди

Маълумки, шу йил 10 ноябрдан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси қошида илк бор ҳарбий дипломатия, юриспруденция ва жанговар санъат махсус мактаб-интернати ўз фаолиятини бошлаган эди.



Шуни таъкидлаш кераки, ёшларимизни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Мудофаа вазирликлари, Миллий хавфсизлик тизимида хизматга, улар тасарруфидаги таълим муассасалари, ҳарбий кафедралари бўлган олий ўқув юр்தлари-га ўқишга киришга тайёрлаш вазифасини амалга ошираётган махсус мак-

таб-интернатда ўқувчиларга дастлабки ҳарбий билим ҳамда кўникмалар, ҳарбий дипломатия, юриспруденция асосларини ўргатиш, жанговар санъат бўйича кучайтирилган тайёргарлик ўтказиш, Ватанпарварлик, Конституция ва аскарлик бурчига содиқлик ҳисси, интизомлилик, умумий маданият ва юқори маънавий-руҳий хислатларни тарбиялашга катта эътибор қаратишмоқда. Ушбу таълим масканида болаларнинг махсус ҳарбий кўникмалардан ташқари кўл жанги, кураш, дзюдо, атлетика, гимнастика, амалий спорт турлари бўйича етарли маҳоратга эга бўлишлари йўлида малакали мутахассислар таълим бермоқдалар.

Кўни кеча ҳарбий дипломатия, юриспруденция

ва жанговар санъат махсус мактаб-интернати илк калдирғочларининг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Ҳарбий кийимлар жуда ярашглик курсантлар келгусида ҳалол, мард, интизомли, устозлари ва дўстларига, халқимиз, Президентимиз ва юртимиз байроғига содиқ бўлиш юзасидан қасамёд қилдилар.

Курсантларни ҳаётларидаги унутилмас онлар билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ўринбосари Ҳикмат Ибрагимов, ИИВ Фахрийлар Кенгашининг раиси, истеъфодаги ички хизмат генерал-майори Ғофур Раҳимов, «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси раҳбари Абдусалом Исақўжаев, ота-оналар чин кўнгилдан қутлашди.

— Келажакда генерал



бўлишни орзу қиламан, — дейди 5-синф курсанти Аъзам Қосимов. — Бунинг учун барча қонунқондиларга риоя қилган ҳолда, Ватанимизга содиқ фарзанд бўлишга, ҳамма дўстларим катори унинг тинчлик-осойишталигини кўз қорачигидек асрашга ҳаракат қиламан.

Махсус мактаб-интернатнинг курсантлари тантанали қасамёд қабул қилганларидан сўнг ота-оналари билан «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида ўтказилган арча байрами томошаларида қувнабайрашди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: ҳарбий дипломатия, юриспруденция ва жанговар санъат махсус мактаб-интернатда ўтказилган қасамёд қабул қилиш маросимидан лавҳалар.

Сергей Любич олган суратлар.

«Ўзқўрғазмасавдо» тақлиф қилади
Ҳурматли ҳамшаҳарлар, шаҳримиз меҳмонлари, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, ота-оналар!
 Азиз болажонларимизни 2003 йил 1-10 январь кунлари «Ўзқўрғазмасавдо» мажмуасида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг томонидан ўтказиладиган арча байрамга тақлиф этилди.

Арча атрофида болажонларимизни кўзиқарли, ақойиб ва саройиб мўъжизалар, Қорбобо ва Қорқознинг «сеҳрли» соҳабалари кўчмакка.
 Энг асосийси — ҳар бир соати ишда ютуқли дотерен бўлиб, улар 10 январь кунини ўйнашди. Дотерен голиблари аудиолейерлар, видеолейерлар, фотоаппаратлар ҳамда бош соғирин компьютерга эга бўлишлари мумкин.

Чипталар бўйича «Ўзқўрғазмасавдо» кассалари, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Байрамлар ўтказиш дирекциясига ҳамда тушан ҳокимликларига мурожаат этишингиз мумкин.



**139-14-54,
139-89-66.**

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтининг йўқолган №275024-сонли ва 275025-сонли дипломлари

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоаси «Педагогика, психология ва менежмент» кафедраси муdiri, профессор Исом Йўлдошевни Турсуновга рафикаси **Фарида АСКАРОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Корея Республикасига касб-ҳунар ўрганиш ва меҳнат қилиш учун бориш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентлиги Корея Республикасига касб-ҳунар ўрганиш ва меҳнат қилиш учун бориш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига куйидаги йўналишлар бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

I. Корея Кичик ва ўрта бизнес федерацияси квотаси бўйича танлов талаблари ва шартлари:

1. Номзодларнинг буйи: эркаклар - 160-190 см; аёллар - 150-185 см.
2. Номзодларнинг кўриш даражаси: 0,7 даража ва ундан юқори бўлиши (дальтоник бўлмаслик) керак.
3. Номзодларнинг ёши 25 дан 35 гача.
4. Номзодларнинг маълумоти: тўлиқсиз ўрта, ўрта, ўрта-махсус.
5. Номзодлар бутунлай соғлом бўлишлари керак.
6. Номзодлар судланмаган бўлишлари шарт.
7. Номзодлар Корея Республикасининг «Иммиграция назорати тўғрисида»ги Қонуни талабларига мос келишлари керак. (Номзод саёхат ёки бошқа мақсадларда Корея Республикасига боргани ҳолда мазкур қонун талабларини бузмаган бўлиши шарт).
8. Корея тилини билиши мажбурий. (Номзодларни корея тилига ўқитиш ташкил қилинади).
9. Номзодлар аввал касб-ҳунар ўрганиши ва ишлаш мақсадида Корея Республикасига бормаган бўлишлари керак.

II. Корея Республикаси Қурилиш ва сув ҳўжалиги вазирлиги квотаси бўйича танлов талаблари ва шартлари:

1. Номзодларнинг касб-кори: дурадгор, сувочки-бўёқчи, пайвандчи, ғишт терувчи, бетон қуювчи. (Ушбу мутахассисликлар бўйича 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиш керак).
2. Номзодларнинг буйи: эркаклар - 160-190 см; аёллар - 150-185 см.
3. Номзодларнинг кўриш даражаси: 0,7 даража ва ундан юқори бўлиши (дальтоник бўлмаслик) керак.
4. Номзодларнинг ёши 25 дан 40 гача.
5. Номзодларнинг маълумоти: тўлиқсиз ўрта, ўрта, ўрта-махсус.
6. Номзодлар бутунлай соғлом бўлишлари керак.
7. Номзодлар судланмаган бўлишлари шарт.
8. Номзодлар Корея Республикасининг «Иммиграция назорати тўғрисида»ги Қонуни талабларига мос

келишлари керак (Номзод саёхат ёки бошқа мақсадларда Корея Республикасига боргани ҳолда мазкур Қонун талабларини бузмаган бўлиши шарт).

9. Корея тилини билиши мажбурий. (Номзодларни корея тилига ўқитиш ташкил қилинади).

10. «КЕДО» йўналиши бўйича шартнома (контракт) шартларини муваффақият билан тугатиб, мамлакатимизга қайтиб келган шахслар танловдан имтиёзли равишда ўтадилар.

III. Корея Республикаси Қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги вазирлиги квотаси бўйича танлов талаблари ва шартлари:

1. Номзодларнинг касб-кори чорвадор, паррандачи, ўсимликчилик (ушбу мутахассисликлар бўйича 3 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиш керак).
 2. Номзодларнинг буйи: эркаклар — 160-190 см, аёллар — 150-185 см.
 3. Номзодларнинг кўриш даражаси 0,7 даража ва ундан юқори бўлиши (дальтоник бўлмаслик) керак.
 4. Номзодларнинг ёши 25 дан 40 гача.
 5. Номзодларнинг маълумоти тўлиқсиз ўрта, ўрта, ўрта-махсус.
 6. Номзодлар бутунлай соғлом бўлишлари керак.
 7. Номзодлар судланмаган бўлишлари шарт.
 8. Номзодлар Корея Республикасининг «Иммиграция назорати тўғрисида»ги Қонуни талабларига мос келишлари керак (Номзод саёхат ёки бошқа мақсадларда Корея Республикасига боргани ҳолда мазкур Қонун талабларини бузмаган бўлиши шарт).
 9. Корея тилини билиши мажбурий (Номзодларни корея тилига ўқитиш ташкил қилинади).
- Барча йўналишлар бўйича умумий шартлар:**
1. Асосий иш хақи — 450-650 АКШ доллари.
 2. Яшаш шартлари — иш берувчи томонидан бепул таъминланади.
 3. Овқатланиш - иш берувчи томонидан кунига 3 маҳал бепул таъминланади.
 4. Шартнома муддати - 1 йилдан 3 йилгача.
 5. Тиббий сўғурта — 50% - иш берувчи ва 50% - ишчи ҳисобидан.

6. Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисадан сўғурта кафолатланади.

7. Ижтимоий сўғурта кафолатланади.

8. Қўшимча иш соати учун — 150% миқдорда иш хақи тўланади.

Танлов Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тузилган махсус ишчи гуруҳлари томонидан амалга оширилади ва танлов олинган номзодлар рўйхати Корея Республикасига юборилади. Корея Республикасида компьютер ёрдамида қуръа ташлаш йўли (лотерея усули) билан танлов олинади. Танлов натижалари очиқ эълон қилинади.

Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган фуқароларни Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги вакилларига (манзил кўрсатиб ўтилади) мурожаат қилишлари сўраймиз.

Фуқаролар диққати: Номзодларни охириги марта танлов Корея Республикасининг ваколатли органлари томонидан махсус компьютер дастури бўйича қуръа ташлаш йўли билан амалга оширилади. **Номзодларни қуръа ташлаш орқали охириги марта ба танлов олиш жараёни ва натижасида Агентлик ёки Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаъадор ташкилотлари таъсир кўрсатиш имконига эга эмаслар.**

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Манзил:
Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 34.
Телефонлар: 136-00-25
136-00-23



**Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳаттар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
4551 нускада босилади. Қорғоғ бичими А-3

**Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чикади.**
Навр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рўқам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларга почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомини» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» ношриёт-матбоба акциядорлик компанияси босмахонас.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.